



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 17 ноябрь, шанба

№91 (11.376)

Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари-га интервью берди.

- Халқимизда «қўшнинг тинч, сен тинч», деган мақол бор, - деди жумладан Ислам Каримов. - Бу гап дини, тили, тарихи, урф-одатлари бир бўлган қозоқ биродарларимизга ҳам бевосита тааллуқлидир. Шундай экан, минтақамизда нотинч вазият юзга келган бир пайтда ўз қўшилариимиз билан янада жипслашиш, янада инोक бўлиш жуда зарур.

Хозирга қадар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутувчи 130 дан ортиқ ҳужжат имзоланган, деб давом этди давлатимиз раҳбари. Бу икки томон учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос бойлиқдир. Зеро, ушбу ҳужжатлар давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу галги ташриф давоми-

да Қозоғистон раҳбарияти билан ана шу ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан яна бир бор фикрлашиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, бўлажак учрашуларда давлатларимиз ўртасидаги чегараларни демилитация қилиш, яъни чегараларни тугал аниқлаб олиш масаласини ҳам муҳокама этиш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари шуни маълум қилар экан, бу масалани икки давлат ўртасида "темир девор" ўрнатилар экан, деб тушунмаслик кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари аввалгидек бемалол борди-келди қилаверадилар. Фақат икки мустақил давлат халқаро ҳамжамиятда тан олинган андозалар асосида чегараларини ўзаро аниқлаб олиши зарур, деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида қатор янги қўшма ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Сайдмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

## ЕТБ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьер иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жан Лемьер 2003 йилда ЕТБ Бошқарувчилар кенгаши йиғилишини Ўзбекистон пойтахтида ўтказиш борасида келишиб олинганини айтиб ўтди. Шунингдек, ушбу йиғилиш Ўзбекистон билан ЕТБ ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарияти билан бўлиб ўтган музокаралар давомида янги кредитлар ажратиш борасида фикр алмашилди, деди меҳмон. Хусусан, Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини тақомиллаштириш учун янги кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳа тўлиқ амалга ошса, Тошкент аҳолисининг иссиқликка талаби қондирилиб, ортиқча ёнилғи маҳсулотларини экспорт қилиш имкони пайдо бўлади.

Бундан ташқари, Жан Лемьернинг айтишича, ЕТБ мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожини учун кредитлар ажратишни давом эттириш ниятида. Шу кунларда

Япония ҳукумати билан биргаликда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Журналистлар билан суҳбатда меҳмон Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида қилинаётган улкан ишлардан ҳайратга тушганлигини алоҳида таъкидлади.

ЕТБ делегацияси икки кунлик ташрифи давомида мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари, чет эл банклари ва компанияларининг ваколатхоналари ҳамда йирик қўшма корхоналар раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Ушбу учрашулар натижасида Ўзбекистонда темир йўл тизими, савдо ва иссиқлик таъминотини ривожлантиришга қаратилган жами 100 миллион евролик кредитлар ажратиш ҳақида битимлар имзоланди.

Элмурод ЮНУСОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Бугунги сонда:

**18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинган кун:**

Мудом эсингда тут, ватандошим, байроқ - юрагимиз, байроқ - шонимиз! Уни баландроқ кўтаринг, байроқ - қаддимиз-у қадримиз!

2-бет

## ҒАЛЛАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС...

Вилоятимизда келгуси йил учун кузги ғалла экиш якунланиб, дала-ларда бугдой майсалари ер бетини қоплади. Шундай экан, ризқ-рўзимиз бўлган ғаллани пайҳон бўлишидан асраш нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг, балки, ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

3-бет

## ТОТЛИ ВА ШИФОБАХШ:

Чой ичинг, лаззатланиб, мириқиб ичинг. Қилич ушлаган шер эса ҳамиша соғлигингиз посбони бўлиб юраверсин!

6-бет

## ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:

1886 йилда автомобил саноатининг отаси ҳисобланган Карл Бенц жаҳонда ilk бора бензин билан юрадиган автомобилни яратган эди.

7-бет

## БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР:

...Ортдан анчагача қараб турдим. Шу топда уни жондан азиз қизлари тушунишини, дўстимнинг яна бахтли бўлишини жуда-жуда истардим.

8-бет

Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилди

## ФАРЗАНДНИ БИР КУН ТАРБИЯЛАМАЙДИЛАР

аксинча, баркамол авлодни вояга етказиш учун ҳар кун, ҳар соат кайгуриш, эътиборли бўлиш зиммамизда турган масъулиятли вазифадир

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг саккизинчи сессиясида кенг ва атрофлича кўриб чиқилган вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги ҳамда шу асосда қабул қилинган вилоят ҳокимининг қарорлари ижроси тўғрисидаги масаладан ана шундай хулоса чиқариш

мумкин эди. Зеро, ушбу масала бугунги кунда вилоят фаоллари олдига турган ғоят муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлганлиги учун ҳам сессия кун тартибига киритилди ва депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди.

Сессияга тавсия этилган маълумотномада таъкидланганидек, вилоятда мазкур қарорлар ижросини таъминлаш юза-

(Давоми 2-бетда).

Ҳосил байрами



## ҚАДДИ ТОҒДЕК САРБАЛАНД

Дехқон қачон тин олади, биласизми? Унинг бундай дамлари бармоқ билан санарли. Айни кўкламда ерга барака уруғи қадаганда, кўкси орзуларга, эзгу ниятларга тўлса, ғаллаю пахта хирмони юксалиб, режалар уддаланиб, кўзлаган маррасига етган онда қадди ана шу хирмонлардек сарбаланд бўлади.

(Давоми 3-бетда).

AZIZ  
D'OSTLAR!

Шу кунларда унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамраҳ бўлишингиз мумкин.

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2002 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!



# ҚАДДИ ТОҒДЕК САРБАЛАНД

Ўртачирчиқ тумани меҳнат-кашларининг вакиллари – энгилғор ғаллакорлар, пиллакорлар, пахтакорлар, тиниб тинчимас фахрийлар, ҳашарчилар – кўйингчи мўл ҳосил яратувчиларнинг «Ҳосил байрами» шодиёналарини кўриб, кўнглимиздан шу фикрлар кечди.

Тўйтепа шаҳрида бошланган тантана серқуёш мамлакатимиз пойтахти Тошкентни ҳам мунаввар этди. 500 дан ортиқ дала фидойилари дастлаб Юнусободдаги Шахидлар хотираси мажмуасини зиёрат этдилар. Шу ёруғ кунларимиз учун жон фидо этганларни хотирлаб, ояти карималар тиловат қилдилар. Темурийлар тарихи давлат музейига кириб келишганида, уларнинг бир ҳайратига минг ҳайрат қўшилди. Маҳобатли бинонинг тиллакорий шифтлари, мрамар билан ороланган устунлари, ганчкор панжаралари ўзбек халқининг ўз ўнмишига буюк меҳру муҳаббатидан дарак бериб турар эди. Музейдан ўрин олган биронта экспонат зиёратчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Қадимий асбоблар, табаррук китоблар, Темурийлар даврига оид бўлган жиҳозлар, қурол-аслаҳаларни ҳамма айрича қизиқиш билан томоша қилишди.

Ҳосил байрами «Зарафшон» ресторанининг концертлар залига кўчди. Туман ҳокими Максим Тиллабоев тантанали маросимни очар экан, ўртачирчиқлик заршунос деҳқонлар ўз сўзларининг устидан чиқиб, Ватанга 27064 тонна ғалла, 37 минг тонна пахта армуғон этганини алоҳида таъкидлади. Бу улкан хирмонда Охунбобоев номли, «Роватак», «Қорасув», «Қайтмас» ва бошқа ширкат хўжаликларнинг катта ҳиссаси борлигини эътироф этди. Мўл

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳосил учун бўлган курашда жонбозлик кўрсатган 5600 фермер хўжаликларини эҳтиром билан тилга олди. «Бу йилги меҳнат ғалабаларимизга ҳамма ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, – деди туман ҳокими, – Миразиз Рўзматов, Ашур Кўсаев каби тажрибали саркорларимиз, Зайнаб Султонова, Улфат Жумаева каби серғайрат фермерларимиз, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларининг фидокорлари, пахта терими даврида қўшни шаҳарлардан оғиримизни енгил

лан мукофотландилар. Бир пиёла чой устида кечган қизгин суҳбатларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мавлуда Асалхўжаева, Юлдуз Абдуллаева, «Маржон» гуруҳи, Ўлмас Оллоберганов, тўйтепалик хушовоз хонандалар Санобар Сатторова, Зокиржон Ўтаевлар ўзларининг дилбар қўшиқлари билан файзу тароват бахш этдилар.

Биз ҳосил байрами иштирокчилари билан учрашиб, суҳбатлашдик.

**Мусахон МАМАТҚУЛОВ, «Нуроний» жамғармаси Ўртачирчиқ тумани бўлими раиси:** – бугунги тадбиримизни деҳқоннинг баҳор ва ёз бўйи қилган меҳнати-нинг ўзига хос тақдирланиши десак, янглишмаймиз. Бизда, айниқ-



қилиш учун келган ҳашарчиларга бугун катта раҳмат айтамиз. Бугунги ғалабаларимизнинг асосий омили эса, қўлни-қўлга берганимизда, аҳиллигимизда, ҳам-жиҳатлигимизда деб ўйлайман».

Шу кунги меҳнат фахрийлари, энгилғор пахтакорлар, ғаллакорлар, ҳашарчилар, механизаторлар қимматбаҳо совғалар би-

са, юртимизда, хусусан пойтахтимизда олиб борилаётган қурилишлар катта таассурот уйғотди. Тошкент шаҳри ниҳоятда кўркемлашиб кетибди. Бунда ўртачирчиқлик меҳнат аҳлининг ҳам ҳиссаси борлигидан ниҳоятда фахрланамиз.

**Улфат ЖУМАЕВА, фермер:** – бу йил ҳар бир деҳқоннинг

меҳнати ўз тақдирини топди. Биронта фермер бўлмадики, бир дақиқасини ҳам зое кетказган бўлса. Охир оқибатда мана ўзингиз кўриб турибсиз, катта ютуқларга эришдик. Менинг ҳам меҳнатим кўпгина тумандошларим қаторида тақдирланганидан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим.

**Ашур КЎСАЕВ, – туман миллий-маданий маркази раиси:** – Ўртачирчиқ туманида 22 миллат вакиллари яшайди. Яшаганда ҳам аҳил, иноқ яшайди. Бугунги ҳосил байрами нафақат ўзбек пахтакорини, балки у билан елкама-елка туриб, меҳнат қилган барча миллат вакиллари-нинг ҳам байрами бўлди. Бу тинчлигимизнинг, миллий иноқлигимизнинг меваси.

Шу кунги шодиёналарни кўриб, дилимиздан беихтиёр шу сатрлар кечди:

*Қадди тоғдек сарбаланд шунқор,  
Кўзларида офтоб сеҳри бор,  
Меҳнат дўсти, шараф дилга ёр,  
Томчи тери яратар бўстон,  
Унинг номи меҳнаткаш деҳқон.*

Чиндан ҳам шундай. 2001 йил «Ҳосил байрами»га бағишланган бундай шодиёналар вилоятимизнинг барча туманларида давом этмоқда.



**Темур УБАЙДУЛЛО, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.**

**СУРАТЛАРДА:** ўртачирчиқлик меҳнаткашларнинг ҳосил байрами тантаналаридан лавҳалар.

**Аида САИТОВА олган суратлар.**

## Танлов

## ҒОЛИБ МАҲАЛЛАГА – БИР МИЛЛИОН

**Ангрэнда «Энг обод маҳалла», «Энг обод даҳа» ва «Энг обод корхона» номини олиш учун бошланган қуриқ-танлов қизгин давом этмоқда.**

Шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар корхоналари директорлари кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бу ҳайрли ҳаракат кун сайин оммавий тус олмоқда. Унда деярли барча маҳаллалар, корхона-ташкilotлар жамоалари қатнашмоқда. Қуриқ-танловни ўтказишдан мақсад қишли-қировли кунларни ҳамда баҳорни ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш, кўкламда авж оладиган ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказишга замин тайёрлашдир.

Қуриқ-танловда голибликни қўлга киритган маҳаллалар, даҳалар ва корхоналарни муносиб тақдирлаш режалаштирилган. Чунончи, унда биринчи ўринни олганларга 1 миллион сўмлик мукофот берилади. Иккинчи ўринларга лойиқ деб топилганлар 750 минг сўм, беллашувнинг учинчи поғонасига кўтарилганлар эса 500 минг сўмлик мукофот олишга муяссар бўладилар.

**Мунаввара ИСАҚУЛОВА.**

**Вилоятимизда келгуси йил учун кузги ғалла экиш якунланди. Олди далаларда бугдой майсалари ер бетини қоплаб, қалин туплай бошлади. Бинобарин, ички ишлар идоралари ходимлари учун масъулиятли давр келди. Халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган дон ҳосилини чорва моллари пайҳон қилишидан асраш зарур.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасида «Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш ҳоллари юзасидан фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солиш» белгилаб қўйилган. Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари республика Вазирлар Маҳкамасининг экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарорини бажариш мақсадида прокуратура ходимлари билан ўтказилаётган махсус рейдлар давомида айбдорларнинг қонуний жазога тортилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда ходимларимизнинг асосий эътиборлари ғалла майдонларига қаратилган. Жойлардаги ходимларимиздан ташқари вилоят ички ишлар бошқармаси ва прокуратураси ходимларидан иборат иккита махсус гуруҳ

жойларда мунтазам рейдлар ўтказиб, экинларнинг пайҳон қилиниши ҳолатларини аниқламоқда.

Масалан, шу йил 30 октябрь кунги ушбу гуруҳлар аъзолари томонидан Ўртачирчиқ туманидаги «Дўстлик» хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Култовага тегишли бир бош от шу



хўжалик ҳудудидида ғаллани пайҳон қилаётгани аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман судига юборилди. Шу кунги Куйичирчиқ тумани «Абай» ширкат хўжалигининг 2-бўлими ҳудудидида бир бош қорамол бугдой экилган майдонни пайҳон қилаётганлиги аниқланиб, мол даладан ҳайдаб чиқарилди. Воқеа жойига хўжалик раиси Ф. Рўзматов, бригада бошлиғи К. Давлатов, хўжалик иқтисодчиси Ў.Анобобоевлар чақиртирилди, хўжаликка етказилган зарар миқдори аниқланди, бутун жараён

видеотасвирга туширилди, пайҳон қилган қорамол хўжалик фермасига қамаб қўйилиб, хўжалик раҳбарларига мол эгасини аниқлаб, қонуний чоралар кўриш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

31 октябрь кунги Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалиги бугдой дала-сида фуқаро Ў. Турғунбоевга тегишли икки бош қорамол экинларни пайҳон қилаётганлиги аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар туман суди орқали тегишли чораларни кўриш учун ушбу ҳудудга хизмат кўрсатувчи

профилактика инспектори Б. Ахмедовга топширилди. Шу кунги Пскент тумани «Пскент» жамоа хўжалигининг 3-бўлимидаги бугдойзорни шу жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Х. Мустафоевга тегишли қорамол пайҳон қилиб, хўжаликка 12.500 сўм зарар етказганлиги аниқланди. 1 ноябрь кунги Чиноз туманининг «Йўлтушган» жамоа хўжалиги 3-бригадасидаги пудратчи Ё.Абдушукуровга қарашли бугдойзорни шу хўжаликда истиқомат қилувчи фуқаролар С. Қудабоевга тегишли бир бош от ва Р.Раматовга

## Долзарб мавзу

тегишли бир бош қорамол пайҳон қилаётганлиги аниқланиб, видеотасвирга туширилди. Тўпланган ҳужжатлар айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш учун Чиноз тумани ИИБ навбатчилик қисмига топширилди. Умуман, шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида қишлоқ хўжалик экинзорларини пайҳон қилиш бўйича жами 323 та ҳолат аниқланиб, айбдор фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Пайҳон сабабларига тўхталадиган бўлсак, шунга таъкидлаш жоизки, бундай кўнгилсиз ҳоллар асосан айрим фуқароларнинг масъулиятсизлиги оқибатида юз бермоқда. Улар молларини ёш болаларга ишониб, далаларга ҳайдаб қўймоқдалар. Болалар эса ўйин билан овора бўлиб, молларга умуман қарамайдилар. Бундай фуқароларга нисбатан жиддий жазо қўллаш чоралари кўрилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пайҳон ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чораларни кўришда жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида бир қатор вазифалар юклатилган. Аммо, улар томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар ҳозирги кун талаблари даражасида деб бўлмади. Ризқ-рўзимиз бўлган ғаллани пайҳон бўлишидан асраш нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг, авваламбор, ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Фахриддин ИСЛОМОВ, вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи.**





# ЎУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 12, 19 декабрь, 2002 йил 10, 17, 24 январь ва 7, 14, 28 февраль кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади.

## Савдога кўйидагилар кўйилади:

1. Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик кўчасидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 1та ер майдони.  
**Бошланғич баҳоси – 60900 сўм.**
2. Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик кўчасидаги сатҳи 549 кв.м. бўлган 1та ер майдони.  
**Бошланғич баҳоси – 55724 сўм.**
3. Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик кўчасидаги сатҳи 567 кв.м. бўлган 1та ер майдони.  
**Бошланғич баҳоси – 57765 сўм.**
4. Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик кўчасидаги сатҳи 510 кв.м. бўлган 3та ер майдони.  
**Ўар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 51765 сўм.**
5. Оҳангарон шаҳар, Бобур кўчасидаги сатҳи 550 кв.м. бўлган 1та ер майдони.  
**Бошланғич баҳоси – 55825 сўм.**
6. Оҳангарон шаҳар, Бобур кўчасидаги сатҳи 574 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ўар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 58261 сўм.**
7. Олмалик шаҳар, Самарқанд кўчасидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 15та ер майдони.  
**Ўар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 26000 сўм.**
8. Олмалик шаҳар, Бирдамлик кўчасидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ўар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 39000 сўм.**

9. Олмалик шаҳар, Олмаликсой кўчасидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 1та ер майдони.  
**Бошланғич баҳоси – 39000 сўм.**  
*Эслатма:* ер майдонларига аризалар қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.
10. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ҳокимиятига қарашли Ангрен шаҳри, 2/2 даҳа 30-уйда жойлашган 56-сон дўкон биносининг 545,15 кв.м. бўлган қисми.  
**Бошланғич баҳоси – 2.831.007 сўм** (ер майдони бу баҳога кирмайди).  
Ангрен шаҳри, 2/2 даҳа 30-уйда жойлашган 56-сон дўкон биносининг 365,71 кв.м. бўлган қисми.  
**Бошланғич баҳоси – 2.184.026 сўм** (ер майдони бу баҳога кирмайди).  
Ангрен шаҳри, 5-1а даҳа 15-уйнинг 1-қаватида жойлашган 91-сон дўкон биносининг 387 кв.м. бўлган қисми.  
**Бошланғич баҳоси – 2.229.643 сўм** (ер майдони бу баҳога кирмайди).  
Ангрен шаҳри, Навоий кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино.  
**Бошланғич баҳоси – 6.924.800 сўм** (ер майдони бу баҳога кирмайди).  
*Эслатма:* сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳоланган хизмат ҳақини алоҳида «Xususiy lashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисаб рақамига ҳуж-

жатлар асосида тўланади.

11. Италия-Молдова қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган томат пастасини ишлаб чиқарувчи КТК-1 русумли 2 комплект ускунаси. Ўар бирининг ишлаб чиқариш қуввати 2 тонна тайёр маҳсулот.  
**Ўар бирининг бошланғич баҳоси – 9.000.000 сўм.**
12. Нон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «ЛИДЕР-250» русумли, Туркияда ишлаб чиқарилган комплекс ускунаси. Ишлаб чиқариш қуввати 3000 дона тайёр нон маҳсулоти. Табиий газда ишлашга мослашган.  
**Бошланғич баҳоси – 9.000.000 сўм.**
13. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 10 АН 500 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.  
**Бошланғич баҳоси – 3.000.000 сўм.**  
*Шўнингдек, аввалги савдоларда кўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ўшбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари ўтказилади.*

**Бизнинг манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти. **Тел.:** 133-28-52, 133-77-18, **Факс:** 132-00-37.

## Футбол

### «МЕТАЛЛУРГ» ОЛИЙ ТАБАҚАДА ҚОЛАДИМИ?



**ФУТБОЛ бўйича мамлакат олий табақасида навбатдаги 34-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Саккиз учрашувда дарвозаларга 26та тўп киритилди. Уч ўйинда меҳмонлар, тўрт ўйинда майдон эгалари голиб чиқдилар. Бир ўйин дуранг натижа билан якунланди.**

ЎЗ МАЙДОНИДА галабани бой берганлар орасида вилоятимизнинг «Дўстлик» ва «Кимёгар» жамоалари ҳам бор. Гарчи «Дўстлик» учрашувининг сўнгги ўн дақиқасида «Насаф» дарвозасига учта тўп киритган бўлсада, булар жавоб тўплари бўлиб қолди. Чунки, Зафар Холмуродов 37-, 54- ва 84-дақиқаларда майдон эгалари дарвозасини ишғол қилиб, «хет-трик»ка эришган эди. Тўртинчи тўпни эса Рўзikuл Бердиев киритди. Учрашувни 4:3 ҳисобида ўз фойдасига якунлаган «Насаф» очколари сонини 68тага етказиб, чемпионатнинг қумуш медалини деярли нақд қилиб қўйди.

«Кимёгар» «Сурхон»ни қабул қилиб, 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Вилоятимиз вакилларида фақат «Металлург» муваффақиятга эришди. «Семург» дарвозасига 6та жавобсиз тўп киритди. Нўмон Нурматов шу тўплардан учтасига муаллифлик қилди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Академия» – «Нефтчи» – 1:0, «Пахтакор» – «Навбахор» – 2:1, «Трактор» – «Андижон» – 1:0, «Турон» – «Бухоро» – 1:3, «Зарафшон» – «Кизилқум» – 0:0.

Навбатдаги 35-тур учрашувлари 21 ноябрь чоршанба куни ўтказилади. Бу турда вилоятимизнинг барча вакиллари сафарда баҳс юритадилар.

**Талъат ЮСУПОВ.**



## ҚИЛИЧ УШЛАГАН ШЕР ТУХҒАСИ

Шри-Ланкага ташриф буюрганларнинг барига гўзал бир ривоятни ҳикоя қилиб беришни ёқтиришади. Бир бор экан, бир йўқ экан, дунёда бир малика бўлган экан. Унинг мамлакатида одамлар овоз чиқариб сўзлашишга чўчишаркан, қушлар сайрамас экан, дарактлар қайғудан шохларини эгиб ўсар эканлар. Зеро, малика ҳамиша гамгин юрар экану, ҳеч бир кимса унинг хасталиги сабабини билмас экан. Кунлардан бир кун унинг ҳузурига кириш шарафига муяссар бўлган хитойлик табиб шифобахш бута ўсувчи олис Цейлон ҳақида гап очиб қолибди. Унинг гапига қараганда, шу бута барглари дамлаб ичилса, малика дардига шифо бўлармиш, фақат бу баргларга етишиш мушкул экан. Чунки, унинг бирортасини узишга ботинган ҳар бир кимса мазкур бута қуриқчиси – қилич ушлаган қанотли шер ҳамласидан нобуд бўларкан. Ўз дардига даво бўлгучи мазкур барглари излаб дунё кезган гўзал қизнинг барча саргузаштларини муфассал ҳикоя қилиб бериш қийин. Қисқа қилиб айтганда, саховатли одамлар кўмагида у ўз дардига даво топиб, соғайиб кетибди. Ўша-ўша дунё аҳли Цейлон чойининг, айниқса, «Қилич ушлаган шер» логотипли чойнинг ўзига хос шифобахш хусусиятларидан огоҳ бўлибди.

Ҳа, «Dilmah Tea» ва «Jaf Tea» чойи қутиларида Сиз айнан шу логотип тасвирини учратасиз.

Чойнинг бу турларини Ўзбекистонда яхши билишди ҳамда айнан ўша Маликалар ва Шерлар давридан бери авайлаб сақлаб келинаётган шифобахш хусусиятлари учун севишади. Цейлон чойи даволайди, тинчлантиради, кайфиятни кўтариб, суҳбатга чорлайди ва шу орқали инсон вужудининг соғломлашувида кўмаклашади. Ахир, шифокорларга учрашишга мажбур қилувчи асосий нарсалар асабийлашиш, кучли ҳаяжон ва ҳозирги турмушнинг тезкор мароми эмасми? Ҳалдори ва томчидорилар эса, ҳамиша ҳам кунгил-

дагидек шифо воситаси бўлавермайди. Бир зум ҳамма нарсани четга суриб, нафасни ростлашга ва ҳушбўй Цейлон чойидан дамлаб ичишга не етсин. Ўар биримиз чигал вазиятлардан чиқиш учун бир пиёла чой устида қурилган дўстона суҳбатлар қўл келган кўплаб воқеаларни ёдга олишимиз мумкин. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижликлар биз –



Ўзбекистонликлар ёз жазирамасида иссиқ чойни чанковбосди салқин ичимликлар ва шарбатлардан афзал қуришимиздан ажабланишади. Бу ҳам тасодиф эмас – чойнинг шифобахш хусусиятлари Осиёнинг ўта иссиқ иклимида, айниқса, яққолроқ намоён бўлади.

Цейлон чойининг турлари жуда кўп. У ўз таркибига ҳар хил навларни қамраб олган. Улар орасида ананас, апельсин, бергамот, чиннигул, киви, қорица ва бошқа хил мазаларни эслатувчи таъмлилари, таъми ўзгартирилмаганлари, органик, тез эрувчан, кўк ва бошқа турлари мавжуд. Чой ишлаб чиқариш Шри-Ланка (собиқ Цейлон) давлатининг жиддий назорати остида амалга оширилади, буниинг учун у маҳсус Цейлон чойи Бюросини ташкил этиб, мазкур муассасага юксак сифат меъ-

ерларига риоя этилишини кузатишни топширган. Жаҳондаги ийрик Шри-Ланка Чой илмий-тадқиқот институти ҳам Цейлон чойи турларини такомиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Чой Кенгашининг мулки ҳисобланмиш машҳур «Қилич ушлаган шер» эса, сифат рамзидир.

Дунёда Цейлон чойи ҳозирлашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Қуйида уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### ЯПОНЧА ЧОЙ

Майда кўкун ҳосил бўлгунча эзиб уқаланган чойдан ярим литр сувга 2,5 қошиқ ҳажмида олиниб, иситилган идишга солинади ва устидан иссиқ (Цельскийнинг 60 даражаси атрофида) сув қуйилади, бир неча минут тиндирилгач, кўпик кўрингунча аралаштирилади. Муъжаз пиёлачаларга қуйилиб, шакар қўшилган ҳолда тортилади, кичик хўпламлар билан ичилади.

### ПАРИЖЧА ЧОЙ

Бундай чой дамлаш учун қора чой дамламаси (135 мл), янги апельсин шарбати (135 мл), яримта лимон шарбати, лимон цедраси керак бўлади. Буларнинг барини чой дамланадиган идишда яхшилаб аралаштирилиб, қайнаш даражасигача иситилади (қайнатилмасин!), илиқ стаканларга қуйилиб, 4 ош қошиқ коньяк, таъбга қараб шакар қўшилади.

### ШАМПАНИ РУСЧА ЧОЙ

Тўрт чой қошиқ микдоридидаги чой устига бир стакан қайноқ сув қуйилади, беш минут тиндирилиб, докадан ўтказилади, шакар, яримта лимон шарбати ва арчилган пўстлоғи қўшилади. Ҳосил бўлган аралашма совутилиб, шиша идишга қуйилади, бир неча бўлак лимон қўшилиб, устига шампан виноси қуйилади.

Чой ичинг, лаззатларни, мириқиб ичинг, Қилич ушлаган шер эса ҳамиша соғлигингиз посбони бўлиб юраверсин!



